



УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА НОТИҚЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Дилфуза Аллаёрова

*Жиззах давлат педагогика университети
ўқитувчиси*

Annotatsiya

Ушбу мақолада умумтаълим мактабларининг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг нотиқлик маданиятини ривожлантиришнинг назарий-амалий жиҳатлари ёритилган. Тадқиқотда нотиқлик маданиятининг таркибий компонентлари – лингвистик, коммуникатив, психологик ва этик-эстетик жиҳатлари таҳлил қилиниб, уларни самарали шакллантиришнинг асосий йўналишлари белгиланган. Шунингдек, ўзбек тили дарсларида қўлланиладиган интерактив методлар (ролли ўйинлар, нутқ мусобақалари, лойиҳавий ишлар)нинг педагогик имкониятлари асосланган. Мақола умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, методистлар ва тадқиқотчилар учун амалий тавсияларни ўз ичига олади.

Kalit soʻzlar:

нотиқлик маданияти, ўзбек тили таълими, коммуникатив компетенция, интерактив методлар, риторика, нутқий кўникмалар, педагогик технологиялар.

Abstract: This article explores the theoretical and practical aspects of developing secondary school students' oratory culture within Uzbek language classes. The study examines the structural components of oratory culture – linguistic, communicative, psychological, and ethical-aesthetic dimensions – and identifies effective pathways for their systematic formation. Furthermore, the pedagogical potential of interactive methods employed in Uzbek language lessons, such as role-playing games, speech competitions, and project-based work, is thoroughly substantiated. The article offers practical recommendations for secondary school teachers, methodologists, and researchers in the field of language education.

Key words: oratory culture, Uzbek language education, communicative competence, interactive methods, rhetoric, speech skills, pedagogical technologies.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг нотиқлик маданиятини ривожлантириш адабий меъёрларга риоя қилиш, мантикий фикрни равон ифодалаш, аудиторияга таъсир кўрсатиш ва луғат бойлигини ошириш каби йўналишларни ўз ичига олади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда замонавий педагогик технологиялар ва интерактив методлардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Нутқ маданияти, давлат тили меъёрлари ва муомала одоби масалалари бевосита Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни¹ ҳамда Президентнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузини ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони² асосида тартибга солинади.

Халқ оғзаки ижодидаги “Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор”, “Ўзингга қараб кутарлар, сўзингга қараб кузатарлар” каби мақоллар сўзнинг таъсир кучи ва унинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига ишора қилади. Бу донишмандлик намуналари тил воситаларидан ўринли ва моҳирона фойдаланиш заруратини уқтиради.

Тилшунос олим Н. Маҳмудовнинг қайд этишича, “Ўқитувчининг нутқи ноқис, заиф бўлса, унинг билими қанчалик чуқур ва тугал бўлмасин, ўзига ҳам, ўқувчига ҳам жабр. Она тилида пухта, лўнда ва ширадор нутқ туза олиш тажрибаси ва маҳорати математика ўқитувчиси учун ҳам бирдай зарурий эҳтиёждир. Ўқитувчи раво ва гўзал ифодаларга бой нутқи билан ўқувчиларини мафтун этиб, бермоқчи бўлган билимини ёш авлод шуурига осонликча сингдиради. Зотан, она тили миллий маънавиятимизнинг, дунёни теран идрок этишимизнинг заминидир” [1, 28].

Нотиклик санъатининг илмий таърифига кўра, риторика – бу “нотиклик санъати ҳақидаги фан бўлиб, у аудитория олдида нутқ қилиш маҳоратини, ўз нутқи ёрдамида тингловчиларга самарали таъсир қилиш сирларини, нотиклик маданиятини ўргатади” [2, 7].

Ўқувчиларда нотиклик маданиятини шакллантиришда, аввало, педагогнинг ўзи ушбу соҳада етарли даражада билим ва амалий маҳоратга эга бўлиши зарур. Дарс жараёнида ўқитувчининг моҳирлик билан воизлик қилиши талабаларнинг ҳам нотиклик маданияти асосларини эгаллашига туртки беради. Айниқса, ўзбек тили ва адабиёти дарсларида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки ҳозирги таълим парадигмаси ўқувчиларни нафақат она тилида, балки чет тилларда ҳам эркин ва ишончли мулоқот қилишга тайёрлашни тақозо этади. Она тилидаги нутқий кўникмаларнинг ривожланганлиги чет тилларни ўзлаштириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиб, ўқувчиларнинг умумий коммуникатив компетенциясини оширади.

Ўзбек тили дарсларида нотиклик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Лингвистик меъёрларни ўзлаштириш – тўғри талаффуз (орфоэпия), урғу, сўзларни тўғри танлаш ва қўллаш, шунингдек, жумлаларни грамматик жиҳатдан бенуқсон қуриш;

Баҳс-мунозара ва мулоқот кўникмаларини ривожлантириш – дарсларда муаммоли вазиятлар яратиш, кичик гуруҳларда муҳокамалар олиб бориш, ўз фикрини далиллар билан ҳимоя қилиш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни. 1989 йил 21 октябрь. № 3561-XI (1995 йил 21 декабрдаги янги таҳрири).

² O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 21.10.2019 yildagi PF-5850-Son Farmoni

Матн устида ишлаш ва оғзаки ҳикоя қилиш маҳорати – берилган мавзу ёки бадиий асар асосида қисқача, мантиқий кетма-кетликда оғзаки ҳикоя тузиш, фикрни ихчам ва таъсирли ифодалаш [1, 28];

Новербал мулоқот воситаларидан фойдаланиш – нутқ жараёнида мимика, имо-ишора, тана ҳаракатлари ва нигоҳдан мақсадли фойдаланишни ўргатиш;

Нутқнинг коммуникатив сифатларини тарбиялаш – тингловчилар аудиториясини ҳис қилиш, мулоқот маданияти, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ҳамда мавзуга оид тезкор ва эркин фикр билдириш малакаларини шакллантириш.³

Мактаб таълимида ушбу йўналишларни самарали амалга ошириш учун қуйидаги интерактив методларни қўллаш юқори натижа беради:

– Ролли ўйинлар: ҳаётӣ вазиятларни (интервью, савдо жараёни, расмий учрашув) саҳналаштириш орқали ўқувчиларнинг мулоқотга киришиш ва эркин гапириш кўникмалари ривожлантирилади;

– Нутқ мусобақалари: “Энг яхши ҳикоячи” ёки “Энг зукко нотик” сингари тадбирлар ўқувчиларнинг изланиш фаоллигини ва нутқий ижодини рағбатлантиради ;

– Лойиҳавий ишлар: ўқувчилар жамоа бўлиб муайян мавзуда тақдимот (презентация) тайёрлаш ва уни синф олдида ҳимоя қилиш орқали оммавий чиқиш маҳоратини оширади ҳамда талабаларнинг жамият олдида гапиришдаги ички тўсиқларни енгишига кўмаклашади.⁴

Умумтаълим мактабларида ўзбек тили дарслари орқали ўқувчиларда нотиклик маданиятини ривожлантириш муҳим педагогик вазифа бўлиб, у адабий меъёрларга риоя қилиш, мантиқий фикрни равои ифодалаш, аудиторияга таъсир кўрсатиш ва луғат бойлигини ошириш каби йўналишларни ўз ичига олади. Нотиклик маданиятини шакллантиришда ўқитувчининг шахсий нутқий маҳорати, дарсда интерактив методлар (ролли ўйинлар, нутқ мусобақалари, лойиҳавий ишлар) ва лингвистик, коммуникатив, новербал компонентларга тизимли ёндашув асосий омиллар сифатида намоён бўлади. Таълим жараёнида ушбу йўналишларни амалга ошириш ўқувчиларнинг нафақат она тилида, балки чет тилларда ҳам эркин ва ишончли мулоқот қилиш компетенциясини оширади, уларнинг умумий интеллектуал ва ижтимоий ривожига хизмат қилади. Шунингдек, замонавий педагогик технологиялар ва интерактив усулларни мақсадли татбиқ этиш орқали ўқувчиларда нутқий фаоллик, танқидий фикрлаш ва ўз фикрини ҳимоя қилиш малакалари самарали ривожлантирилади. Ушбу мақолада келтирилган назарий асослар ва амалий тавсиялар умумтаълим мактаблари ўзбек тили дарсларида нотиклик маданиятини янада такомиллаштириш учун илмий-методик замин яратади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Mahmudov N. Ma'rifat manzillari. – Toshkent, 1999. – 28-b.
2. Qahhorov I. Notqlik san'ati. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2015. – 7-b.
3. Сафаров Ш. Прагматингвистика. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008. – 180 b.

³ Qahhorov I. Notqlik san'ati. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2015. – 7-b.

⁴ Ёлдошев Ў.Е., Боқиева Г.Х. Нутқ маданияти асослари. – Toshkent: Fan, 2014. – 112 b.

4.Йўлдошев Ў.Е., Боқиева Г.Х. Нутқ маданияти асослари. – Toshkent: Fan, 2014. – 112 b.

5.Қодирова М. Риторика: назария ва амалиёт. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010. – 200 b.

UNESCO. Media and Information Literacy Curriculum for Teachers. – Paris: UNESCO, 2011. – P. 45–52.

European Commission. Key Competences for Lifelong Learning. – Brussels: EC, 2018. – P. 12–18.

Quronov M. O‘zbek tili va adabiyoti darslarida kommunikativ yondashuv. – Toshkent: Nodirabegim, 2016. – 144 b.

Abdurahmonov O. Nutq madaniyati va pedagogik mahorat. – Toshkent: O‘qituvchi, 2003. – 80 b.